

Жаҳон адабиёти тараккиётидан маълумки, хар бир ҳалк тарихида, ижтимоий ва маданий хаётида ўзининг сезиларли «мухри», табаррук «из»ларини колдирган улкан санъаткорлар бор. Улар ўзларининг хаётий фаолиятлари ва ижодларини хамиша оддий меҳнаткаш ҳалк такдири билан бирга хис килганликлари, хар кандай шароитда ҳам ҳалк дарди, орзу-умидларига ҳамдард ва ҳамнафас бўла олганликлари учун ҳам умри бокий ва буюқдирлар. Бундай санъаткорлар хакида тарихдан жуда кўп сиймоларнинг номларини мисол тарикасида келтириб ўтиш мумкин: Фирдавсий, Низомий, Навоий, Жомий, Саъдий, Фузулий, Пушкин, Махтумкули, Лермонтов, Некрасов, Абай, Толстой ... Кардош коракалпок ҳалкининг фарзанди, бу ҳалк адабиётининг фахри ва асосчиси, демократ шоир Бердак ҳам юкорида кайд килинган машхур санъаткорлар сирасига мансубдир.

Бердак XIX асрда, Туркистон ўлкасидағи феодал ҳонликларда, ижтимоий-сиёсий ва маданий хаёт нихоятда оғир, мураккаб шароитларга тушиб колган ва Ўрта Осиёни Россия босиб олинган даврда яшади ва ижод этди. Шоир 73 йил умр қўрди, унинг кариб ярим асрдан мўлпрогини бадиий ижоддек машаккатли, маъсулиятли, лекин шарафли ишга багишлади.

Авлодларга 20 минг мисрадан зиёд шеър, ҳалк хаёти ва курашининг турли даврларини бадиий шаклда кўрсатиб беришга багишланган ўнга якин йирик эпик достонларни мерос этиб колдирди.

Шоир эдим, кўзим кўрганин ёздим,
Кўнглимнинг сезганин, билганин ёздим,
Замон жафосидан саргайдим, оздим,
Келурми деб яхши кунлар ҳалк учун
деб ёзган шоирнинг калб сўзлари ҳакконийлигини тарихий фактлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Маълумки, коракалпок ҳалкининг Нўгой ўрдасидан ажralиб чиккандан кейинги (XVI аср) тарихий такдири Туркистон ўлкасидағи турли ҳонликлар территориясида яшовчи хар хил ҳалклар, асосан ўзбек ҳалкининг такдири билан мустахкам боғлик бўлиб колди. Бирок феодал зулмат хукмрон бўлган ўлкада бу жабрдийда, тарихнинг беомон фожиаларига кўп марта дучор этилган ҳалкнинг меҳнаткаш фарзандлари ўз эрклари, ҳак-хукукларига эга эмас эдилар. Бундай аянчли хол, Жиян Жиров айтганидек, коракалпокларнинг «поскан ел», яъни дарбадар ҳалк бўлиб, Бердак таъкидлаганидек «юз йил кўним билмай» кўчиб юрган. Бир томондан, Хива ҳонларининг «марҳамати» сифатида «инъом» этилган Орол денгизининг шўрхок ва кумлок дашт-биёбонлари, Амунинг куйи кисмлари бу меҳнаткаш ҳалк иктисадий тараккиётини чеклар, доимий сувсизлик, манзил ерларнинг оғир табиати уларнинг ҳамрохи эди. Иккинчи томондан, анча микдордаги бўлик, сувга сероб, серхосил ерларни эгаллаб олган бир гурух махаллий бойлар ва бийлар зўравонлиги, оталик ва хон томонидан тайинланган ноибларнинг шафкатсиз эксплуатацияси, Хива ҳонлари белгилаган сон-саноксиз соликлар ҳалкнинг тинка-мадорини куритар эди. Ҳаётнинг мазкур аччик ҳакикати коракалпок фольклорида, XIX аср бошларига келиб коракалпок ҳалки орасидан етишиб чиккан ёзма эдабиёт вакиллари Жиян жиров, Кунхўжа, Ажиниёз ва нихоят Бердак ижодида учмас из колдирди. Жумладан, Жиян жировнинг - машхур «Поскан ел» достонида коракалпок ҳалкининг жунгор ва козок ҳонлари боскинидан кейин

Орол бўйларига тарихий кўчишининг оғир манзаралари ўз ифодасини топса, бу давр адабиётининг йирик вакили Кунхўжанинг «Чўпонлар», «Оқ камиш», «Унутмасман», «Туя экансан», «Халқ билан», «Менинг болам», «Бой боласи» каби асарларида халкнинг оғир, машаккатларга тўла хаёти тасвирланади. Замонасининг ажойиб лирик шоири Ажиниёзнинг шеър ва газаларида, «Бўзатов» номли машхур поэмасида ўша давр коракалпок хаёти ва турмушининг тўлаконли манзаралари санъаткорона, кўхна Шарк шеърияти анъаналари услубида акс этди. Бердак эса бу санъаткорлар анъаналарининг конуний вориси, улар асос солган адабиётнинг тараккий эттирувчиси бўлиб майдонга келди. Бердак ўз устозлари изидан бориб, баъзан улар билан ёнма-ён ижод килиб, коракалпок мумтоз адабиёти анъаналарини ўзига хос йўсинда давом эттиради. Бердакнинг таржимаи холидан маълумки, у камбагал баликчи оиласида туғилиб ўсан. Тахминан 10 ёшларида хам ота, хам онадан етим колган бўлгуси шоир талай йиллар бойлар эшигига кун кечиради. Бердак дастлаб эски мактабда, кейинрок эса мадрасада тахсил кўради. Ўн ёшларида ўзича шеърлар тўкий бошлаган шоир талай муддат ижодий изланишлардан кейин замонасининг машхур шоири Кунхўжа хузурига бориб, шоирнинг ўзи эътироф этганидек: «бир яrim ой бирга бўлиб, ёзганларини тинглатиб, нуксонларини ўнглатиб, ўлан завкин тотиб» кайтади. Бердак яшаб ижод эттан шароитда ўзбек, коракалпок, туркман ва бошка кардош халклар орасида халқ китоблари кенг таркалган эди. Коракалпок халки орасидан чиккан айрим саводли кишилар, яъни «киссаҳон»лар хар хил тўй ва маъракаларда «Тохир - Зухра», «Бахром - Гуландом», «Киссасул анбиё» каби дунёвий, ишкий-романтик ёки мифологик, мифологик-афсонавий мавзулардаги асарларни ўкиб берар эдилар. Бердак даврининг саводли, илгор кишиси бўлганлиги сабабли унинг бу хилдаги асарлардан хам хабардор эканлиги «Айралик-айралик» радифли шеъридан маълум бўлади:

Айриликнинг жабри ёмон,
Бошда хар кун охир замон,
Бахром- Гуландом шудостон,
Ёмон айралик-айралик,

«Айралик» шеъри яна шу жихатдан мухимки, бу асар Бердак ва ўзбек фольклори ўзаро муносабатларини анча ойдинлаштиришга асос бўла олади.

Ўзбек халқ поэзиясида ошик-маъшуклар дарди ёки меҳнаткаш инсоннинг зулмат замонасидан норозиликлари «Айралик» ёки «Айралик-айралик» радифли асарлар оркали алохида таъкидланган холлар кўп учрайди. Бу хусусият ўзбек халқ достонларига хам тааллукли бўлиб, айрим достонлар қаҳрамонлари тақдири, руҳий-психологик холатларини очиб берувчи характерли факторга айланган.

Бердак шеърияти ва ўзбек халқ кўшиклари орасида шаклий ва мазмуний хам оханглик мавжуд. Фикримизни асослаш учун шундай мисолларга мурожаат этамиз. Бердак адабий меросида «Олтиқиз» сарлавҳали хазил шеър бор. Унинг кискача мазмуни шундай: Бибиойим, Гулойим, Моҳида, Оруҳон, Гулимхонва Равшан исмли кизлар Кўсимбет кал деган кишининг аравасига миниб, хайит-маърака сайлига йўл олишади. Кўсимбет кал кизлар

шўхлиги, кувончли кайфияти ва гўзаллигига махлиё бўлиб от жиловини кўлдан кўниб юборганлигини, арава эса йўлдан чикиб тамоман бошка томонга кетиб колганлигини сезмай колади. Окибат шу бўладики, арава эски бир кудукка агдарилиб кетади... Ўзбек халқ кўшиклари орасида хам «олти» раками билан бошланувчи, киз-жуонлар

таърифига багишланган хазил термалар талайгина. Масалан, Хоразм халк термаларидан «Олти халфа»нинг айрим бандларини Бердак шеърига киёслайлик:

«Олти халфа»

Олти халфа бири Ойша,
Узуклари кўша-кўша,
Бордим томлар оша-оша

Элга балли олти халфа.

«Олти киз»

Иккинчи кизи Мохида,
Ок юзи ойдан зиёда,
Йўл юрмаймиз деб пиёда
От аравага минган экан.

Хар иккала парчада хам тасвир объекти килиб олинган шахслар портрети, уларнинг характеристига хос хислатлар гавдалантирилган. Фарки шундаки, ўзбек халк кўшигига банд охирида доимо бир хил радиф сакланади. Бердак шеърида эса аравага минган кизлар кўриниши тасвир этилгач, асосий мазмунга ўтилади. Шеър факат кизларни таърифлаш эмас, балки асар асосий қаҳрамони Кўсимбет кал нўноклигини хажв килиш ниятида битилганлиги маълум бўлиб туради..

«Олти» раками билан бошланувчи ўзбек халк кўшиклари «Гулёр» («Фаргона халк кўшиклари») тўпламида хам бор. Мисол тарикасида ундан баъзи намуналарни келтириб ўтамиз:

Олти кизнинг ичидаги отинг Анор,
Накш олмадек юзингдан конлар томар.
Накш олмадек юзингдан ўпич, берсанг,
Ўз тенгимнинг ичидаги кўнглим конар.
Чини билан чакирсанг, мен борайин
Ёлгон билан чакирсанг, бетинг курсин.
Олти кизнинг ичидаги отинг Турсин
Чини билан сув куйсанг тиниб турсин.

Бердаккача бўлган коракалпок мумтоз адабиёти тарихида мазкур жанрда «шажара»лар, яъни ўтмиш авлодлар хакида, халк тарихий тақдиридаги энг муҳим даврлар, воеа-ходисалар тўгрисидатарихий-адабий ёки мемуар характеристдаги «солнома» лар яратилганлиги маълум эмас. Шу сабабли, Бердак ўз «Шажара» достонини яратар экан, кўхна Шарқ адабиётидаги мавжуд анъаналардан, хусусан Хоразмнинг Абулгози, Мунис каби машхур «шажара»чилари ва санъаткорларидан ўрганган, улар ижодидан баҳра олган деб ўйлашга асос бор, деб ўйлаймиз. Бунинг боиси шундаки, хоразмлик муаллифлар яраттан «шажара» лар билан Бердак «Шажара»си орасида факат асар номидагина эмас, шакл ва мазмун жихатдан хам хамоҳанглик, ўхашлик бор: уларнинг барчасида Хоразм воҳаси халкларининг келиб чикиши ва мамлакатни идора эттан хукмдорлар таржимаи холига тегишли ходисалар, хонлик хаётидаги муҳим

воеалар тасвир этилади. Фарки шундаки, хоразмлик муаллифлар яратган аксарият «шажара»лар насрда битилган бўлса, Бердак «Шажара»си назмда ифода этилган. Шуниси характерлики, Бердак «Шажара»сида факат коракалпок халкининг кўп асрлик тарихидаги мухим воеалар таъриф этилибгина колмасдан, ўзбек халки билан кечган муштарак хаёт, шунингдек ўзбек халки тарихи хам баббаравар тилга олинади. Бердак «Шажара» достонининг бу хусусияти асарнинг хам ўзбек, хам коракалпок халки тарихини ўрганишда тадқикотчиларга мухим манба сифатида хизмат этиб келишига сабаб бўлди.

Бердак «Шажара» достонининг факат тарихий жихатдан ахамиятини таъкидлаб кўйиш бирёкламалик бўлар эди, албатта. «Шажара» - даставвал тарихий-бадиий асар. Шоирнинг ўзига хослиги шундаки, у хоразмлик тарихчи ва санъаткорлар яратган «шажара»лар доирасида ўралашиб, улар яратиб кетган маълумотлар доирасида колиб кетмайди, балки тарихий фактларни ўз асари тўкимасининг асоси килиб олган холда тарихий-бадиий эпик полотно яратади. Бу табиий, албатта. Чунки «санъаткорлар ўз ўтмишдошларидан, даставвал, янги вокеликнинг эстетик вазифалариға мос келадиган нарсаларнигина кабул киладилар». Бердак хам «Шажара»ни яратиш йўлида баъзи маълумотларни ўз ўтмишдошларидан олди, бирок уни давр ва хаёт билан бодлади, ўз гоявий-эстетик максадини ифода этиш учун халк ривоятлари, фольклор материалларини асар тўкимасига киритди ва пировардида жўшкин поэтик илҳом, хис-туйгулар ва акл, доноликни бир нуктага жам килиб ўз «Шажара»сини яратди.

Бердак ўзининг машхур асари «Излар эдим» шеърида шундай эътироф этади:

«Чор китоб»дан нари кочдим.

Навоидан савод очдим.

Фузулийдан дурлар сочдим,

Доноларни излар эдим.

«Чор китоб» дан нари кочдим, Навоидан савод очдим» мисраларидағи соғификорнинг ўзиёқ Бердак учун буюк ўзбек шоири Алишер Навоий, бинобарин мумтоз ўзбек адабиёти кай даражада улкан ахамият касб этганлигини яккол кўрсатиб турибди. Бундан келиб чиккан холда Алишер Навоийни Бердакнинг илк муаллими, унга сўз санъатининг сиру асрорларидан асрлар оша гойибона сабок берган, Бердакда оддий меҳнаткаш халкка нисбатан меҳр-мухаббат фазилатларини тарбиялаган, инсонийликдан сабок берган илк муаллим дейиш мумкин.

Бердак машхур «Ахмок пошшо» достонининг хотима кисмида шундай ёзади:

Кулфат касрида каридим,

Султон Суйин, Миралининг

Шоху гадонинг баридан,

Дунё ортда колган экан.

Шоир ўз замонасини «кулфат касри»га мукояса килади, шу оркали ўз умрига якун ясагандек бўлади. У таъкидлайдики, Султон Суйин - Хусайн Бойкаро - шох, Алишер Навоий - Мирали - шоир таъбирича - гадо бўлиб оламдан ўтдилар, бирок бу зулмат замони уларга хам вафо килгани йўқ. Лекин уларнинг биридан кулфат, халк бошига гам-алам, иккинчисидан эса мангаликка даҳдор, умри бокий асарлар колди. Бердак достон нихоясида ўзига Миралининг умрини тилагандек бўлади. Энди диккатни Бердак ўз поэзиясида улуг ўзбек шоири анъаналарини давом эттирганлиги нималарда кўринишига, шоир Навоий анъаналарини кай даражада ижодий юксалтирганлигига каратамиз.

Мана Бердакнинг «Халк учун» сарлавхали шеъри. Оригиналда 260 мисрадан ортиқ бўлган мазкур асарга буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг машхур «Одами эрсанг демагил одами, они ким йўқ халк гамидан гами» афоризмини поэтик эпиграф килиб олиш

Йигит бўлсанг арслон каби тугилган,
Хамиша сен хизмат этгил халк учун.
Йигит бўлсанг арслон каби тугилган,

Ўзим демай, гамхўрлик кил халк учун. Шеърнинг кейинги бандларида юкоридаги фикр яккол конкретлаштирилиб, чукурлаштирилиб борилади ва шоир, Алишер Навоий хикматидаги каби, ўз замондошларини «халк дарди», «халк гами» йўлида захмат чекишига чакиради:

Етарсан муродга гар хизмат этсанг,
Элинг йўллаганда хар каён кетсанг,
Хар качон душманинг бошига етсанг,
Аянмасдан, хизмат айла халк учун.

Навоий хикматидаги ва Бердак шеъридаги «халк», «халкка хизмат» деган сўзлар ўша феодал жамиятда яшаб фаолият кўрсатаётган барча шахсларга тааллукли эмас. Улар факат меҳнаткаш, оддий кора халк сирасига мансуб, унинг манфаатлари йўлида вижданан меҳнат килган, ўзи мансуб миллат ор-номуси учун teng талашган, зарур дамларда одамгарчиликнинг барча конун доираларини ўз ўрнига кўя биладиган одамларнигина «халк» доирасига киритадилар. Бердак фикрича, халк «ишлаб-терлаб бир бурда нон топган», «кўл каварттан», «арслондек» кучини нгу халк, эл-юрт манфаатларига астойдил сарф килган, замона зайли туфайли очлик, камбагаллик, казув, солик каби халк гарданига тушган оғир оғатларга мардона чидаётган, керак пайтларда миллат, эл-элат, она-юрт мустакиллиги йўлида кон кечишга хам кодир одамлар. Шоир ана шу одамларни бирликка, дўст-биродарликка даъват этади, халкнинг кучи - унинг дўстлигига деб билади:

Дўстлик билан хар бир ишда шай турсанг,
Жон аямай эл-юрт учун иш килсанг.
Кайгуланмай, улуг ишга кўл урсанг,
Шунда менинг кўнглим ўсар халк учун.

Бердак ўз асарида замонасидаги эксплуататор синф вакилларини «халк» доирасига киритмасдан, шеърда уларни «душман», «ёмонлар», «номард», «фосик», «бўри» каби номлар билан атайди.

Бердак достонида халк орасида кенг таркалган ривоятларга асосланган холда козок ва коракалпок халкларини бир отага мансуб икки ўгилнинг фарзандлари сифатида таъриф этади. Бу билан шоир халклар дўстлиги ва конкардошлиги гояларини улуглайди, уларни дўст-биродарликда, тутувликда яшашга чакиради. Бердакнинг айни пайтгача коракалпок ва ўзбек тилларида эълон килинган асарларининг таҳлили пгуни тасдиклайди. Фикримизнинг исботи учун С.Тойшибаева «козоклар хаёти тасвир этилган» деб

таъкидлаган «Ойдўс бий» достонига мурожаат этамиз.

Ойдўс бий - тарихий шахс. Машхур ўзбек мумтоз шоири, мохир таржимон Огахийнинг маълумотига караганда, Ойдўс ва унинг карамогидаги кўлдовли уруги Хива хони Мухаммад Амин инок хокимият тепасида турган даврда (1763-1770) хоннинг «марҳамати» туфайли «Кўк ўзакдан Оролгача» бўлган территорияга жойлашадилар. Хонга содик хизмати учун Ойдўс барча коракалпоклар улусининг хокими мансабига кўтарилади.

«Ойдўснинг Хива хони тарафига ўтиши,- деб таъкидлайди Ўз.ФА хакикий аъзоси С.Камолов, - хоинлик ва соткинликдан бошка нарса эмс эди. У коракалпокларни хакикатда карама-карши икки лагерга бўлиб кўяди».

Ойдўс ўз халкига карши чикиб, коракалпокларнинг хали Хива хонига карам бўлишни истамаган ургуларини курол кучи билан бўйсундиришни кувватлаш оркали Хива хонлигининг янги хукмдори Мухаммад Рахимхоннинг (1806-1825) хам «марҳаматига» сазовор бўлади ва кейинрок ўзини «Мойли Жангаль»дан шимол томонда яшайдиган барча коракалпоклар хукмдори, яъни «ярим хон» тайинлашларини талаб кила бошлайди. Бирок коракалпокларнинг бўйсунмаган ургуларини ва Жанга дарё бўйидаги козок ургуларини ўзига бўйсундириб, шимолий чегараларни мустахкамлаб олган Мухаммад Рахимхон Ойдўснинг бу талабини рад этади. Бу билан чекланмасдан уни коракалпок улусига хокимлик мансабидан хам четлаштиради.

Иzzат нафси ерга урилган ва алданган Ойдўс шундан кейин халкни ўзига оғдириб, Хива хонига карши курашга ўтади. У Сариков ўтов деган жойда 2 мингга якин оилани жамлайди. 1827 йил 29 июлда Кўнгиротни босиб олиш ва хон ноибларини жазолаш учун ўгиллари Ризо ва Тўра бошчилигига 300 отликни жўнатади. Хон аскарлари билан бўлган жангда Ойдўс тарафдорлари енгилади, Ризо ўлдирилади, Тўра эса кишсанланган холда Хива хони хузурига юборилади. Вокеадан хабар топган Ойдўс тарафдорлари орасида парокандалик бошланади ва Ойдўс Кўкон хонидан ёрдам олиб келиш учун йўлга чикади. Бирок Чирик работ деган жойда хон кўшинлари уларга етиб олади. Ойдўс жангда ўлдирилади.

Бердак тугилган йилда бўлиб ўтган конли фожиалар тарихда ана шундай баён килинади.

«Ойдўс бий» поэмасида эса воеалар ривожи бошкacha берилади. Поэма муқаддимасида Ойдўс бий шаънига «илик» сўзлар айтилиб, унинг шахсияти, халк олдидаги хизматлари эслатилади. Сўнгра асосий воеалар тасвирига ўтилади.

Ойдўс бий хузурига Хива хонидан чопар келади. У олиб келган мактубда хон Ойдўсга карата:

Бегис билан Миржикнинг,
Калласин олиб келсин.

Кейин «Мойли Жангаль»дан,
Нарёгин Ойдўс сўрасин

деб ёзганлиги маълум бўлади. Мансаб ва мавке йўлида хар кандай ифлос ишлардан кайтмайдиган Ойдўс Хива хонининг бу мактубини олгач, ўз укалари Бегис ва Миржикни ўлдириш хусусида ўйлаб кетади. Бу пайтда Бегис ва Миржик, акаси Ойдўс хонга сотилиб кетгандан кейин, меҳнаткашларни хонга карши кўзголонга тайёрлаш харакатида эдилар. Шоир Ойдўснинг мактубни олгандан кейинги психологиясини яхши акс эттиради. Поэмадаги асосий воеаларга туртки берувчи бадиий тугун ана шу тарика яратилади.

Ойдўс эрта сахарда туриб Миржик ва Бегисни уйготади ва «маслахатлик махфий иш» борлигини айтиб, кирга чикиб келишни таклиф килади. Содда Бегис ва Миржик ўша жойда золим тошбагир ака хийласининг курбони бўлишади. Ойдўс укаларининг каллаларини хуржунга солиб Хивага, хон хузурига караб йўлга чикади. Бердак «кахрамони»нинг бу килмишига локайд эмас. У ўз укаларининг котили даражасигача маънавий тубанлашган Ойдўсни каттик коралайди.

Ойдўснинг Хива шаҳрида бир маҳрам дўсти бор эди. У Ойдўсга хат жўнатилганидан хабардор бўлган, лекин бу хийладан Ойдўсни огоҳ эта олмаган эди. Маҳрам Ойдўс Хива тупрогига кадам кўйганлигини билиб, унга пешвоз чикади ва юз берган фожиадан огоҳ бўлади. Маҳрам унга бу хат хоннинг хийласи эканлигини, шу йўл оркали хон хам Ойдўсдан, хам унинг курашчан укаларидан биратўла кутулмокчи бўлганлигини ошкор этади. Бирок Ойдўс ишонмайди ва хон саройига йўл олади.

Баланд кўча, паст кўча,

Оралаб энди боради,

Хивалик ёш болалар,

Ойдўсга тупрок сочади.

Шунда хам нодон, билмайди.

деб куюниб ёзади шоир. Тарихий маълумотларга караганда, Ойдўс ўз иниси Миржикни 1810 йилда Мухаммад Рахимхон хузурида ўз кўли билан ўлдирган. Поэмада эса, шоир хаёт хаккатидан бироз четлашган бўлса-да, бирок бадиийлик жихатидан, яъни поэмадаги асосий гояни - Ойдўс вахшийлиги, конхўрлиги ва маънавий тубанлигини - якка бир хукмдор шахс фожиасининг сабабларини очиб беришда, мантикан тўгри йўлдан боради.

Ойдўс хоннинг хузурига кирганда хон унга хатто «келингми?» хам демайди, совуккина муомала килади. Калла солинган хуржунни хон хузурида колдириб, Ойдўс маҳрам дўстининг уйига келади. Хивалик дўсти унга яна бир хаккатни очади: хон укаларини катл килган Ойдўсни ўлдирмокчӣ эканлигини айтади. Бу хабарни эшитган Ойдўс Хивадан чикиб кочади. У юртига боргач, 60 коракалпок бийини чакириб маслахат килади ва уларни хонга карши курашга чакиради. Бийлар ўз олдиларига кўйилган олмадан биттадан еб, Ойдўсга содиклигини билдирадилар. Нихоят, хон ва Ойдўс лашкарлари орасида конли курашлар бошланиб кетади. Лекин кучлар тенг эмас эди. Ойдўс кўшинлари чекиниб, бир кичик калъани мудофаа кила бошлайдилар. Хон хийла ишлатади: камалда ётган Ойдўс аскарлари томон замбаракдан ўқ эмас, «кора пул» солиб ортиради. Натижада Ойдўс кўшинлари хоинлик хоинлик килиб хон тарафига ўтишади. Ойдўс кочади, бирок йўдда хон аскарлари томонидан ўлдирилади. Хива мадрасаларида таълим олаётган Ойдўснинг Тўра ва Риза исмли фарзандлари кирк йигити билан Хивадан бош олиб кетадилар. Улар хам конли курашларда халок бўладилар.

«Ойдўс бий» поэмасининг кискача сюжети ана шундай. Бу поэмага асос килиб олинган тарихий воеалар ва шоир бадиий тафаккури натижасида яратилган бадиий тўқималарни бир-бири билан таккослаш Бердакнинг эпик тасвирлаш санъати юксаклигини кўрсатади. Бердак «Ойдўс бий» поэмасида козок халки хаётига тааллукли воеаларни эмас, балки коракалпок ва ўзбек халки хаётининг реал манзараларини, муштарак воееликни санъаткорона тасвирлаб берди.

Бердакнинг «Омонгелди» ва «Эрназар бий» поэмаларида хам коракалпок халкининг ўзбек халки билан муштарак хаёти тасвирланади. Масалан, «Омонгелди» поэмасида

тасвир этилган воеалар Кўкон хони саройида бўлиб ўтади. Поэманинг асосий конфликтни хам худди «Ойдўс бий» поэмасидаги каби коракалпок халкининг ўз хак-хукукларини, миллий мустакиллекларини химоя килиш йўлидаги кураши асосига курилади: бир томонда хонлик хукмдорлари, иккинчи тарафда коракалпок халки манфаатларини химоя килувчи халк сардорлари. Бу беомон курашларда, хаёт хакикати каби, халк сардорлари маглубиятга учрайдилар, бирок халк орасидан яна уларнинг ишини давом эттирувчилар етишиб чикараверадилар. Жумладан, «Омонгелди» поэмасининг кискача мазмуни шундай: Кўкон хони Музаффар ўз карамогидаги коракалпок хал-қидан ўзига киз тортик килишни сўрайди. Хукмдорнинг бу талаби табиатан магур халкка ёкмайди. Коракалпоклар хукмдори Хасан оталик хоннинг олдига бориб, унга коракалпоклар ўз кизларини бермасликларини дадил айтади. Газабланган хон Хасанни дорга остиради. Ана шу пайтда коракалпок халки касос олишга отланади. Халк орасидан чиккан довюрак Омонгелди ўз тарафдорлари билан Кўкон хони саройига хужум килиб, хоннинг бошини кесиб келтиради. Бердак ўз замондошларини Омонгелдидай довюрак бўлишга, халк иши, миллий мустакиллиги ва ор-номусини Омонгелди каби химоя килишга даъват этади:

Омангелдидай бўлмокка,
Бориб хондан хун олмокка,

Калла кесиб, кон олмокка
Кай бирингнинг чаманг келди?

Бердак ўзининг «Ахмок пошшо», «Равшан», «Омонгелди» каби асарларида тасвирлаб берган ходисаларга ўхшаб кетадиган воеани чукур дард билан куйлаб беради. Бахши куйлаган хикоятнинг кискача мазмуни шундай: Аму сохилидаги хонадонларнинг бирида Гулбиби исмли киз вояга етибди. Унинг бекиёс гўзаллиги, сулувлиги хакидаги овозалар кўп элларга таралади. Харамида жуда кўп хотинларга эга бўлса-да, золим Хива хони Гулбибининг маишатбоз хонни ўз ёнига йўлатмайди, мантикан тўғри мулоҳазалар оркали хоннинг маънавий ярамаслигини фош килади. Даргазаб бўлган хон ўз ясовулларини чакиртириб, Гулбибини аёвсиз жазолатади: кизни чангал устига ялангоч ётқизиб, устидан кайнок сув куишиади. Шу тарика элнинг бир бегунох фарзанди фожиали халок бўлади ... Бахши Гулбиби хакидаги хикоясини тугаллар экан, Ойсанамлар тўйига келган ёшу карини янги, порлок хаёт кадрига етишга чорлайди.

Маълум бўладики, Миртемир достон бадиий тўқимасида каламга олган Гулбиби фожиаси Бердакнинг «Ахмок пошшо» достонидаги Гулим тақдирини эслатади. Маълумки, Гулим хам худди Гулбиби сингари оёк-кўли банд холда мажбуран Хива хони хузурига келтирилади ва бу даргоҳда ёш умри хазон бўлади. «Равшан» достонининг бош каҳрамони Равшан ўз ор-номусини мардларча химоя килади. Демак, Миртемир хаёт хакикатини асос килган ва Бердак поэзиясига суюнган холда коракалпок мавзуидаги бу илк асари оркали Хоразм воҳасида яшаган меҳнаткашларнинг икки даврдаги икки хил хаёт тарзини битта асар мундарижасига жо этди ва коракалпок халки турмуши, урф-одатлари ва анъаналарини чукур ўрганган холда оригинал асар яратиб, адабиётшуносликда таъкидлаганидек, 30-йиллар ўзбек поэзиясида коллективлаштириш мавзуига сезиларли хисса бўлиб кўшилган бу достонини яратди. Бердак асос соглан адабиёт ўз замонасида гуллаб-яшнади. Коракалпок адабиётида Бердак анъаналарининг конуний эгалари бўлган жуда кўп истеъдоллар етишиб чикди.

Бир вактлар нисбатан кам тараккий этган, бадий ижодиётнинг катор жанрлари бўлмаган коракалпок адабиёти айни пайтда проза, поэзия ва драматургиянинг барча соҳалари ривожланган санъаткорларни етиштириб берган, кардошлар хамкорлигида тобора юксакликка кўтарилаётган, бадий сўзнинг нодир асарларини кашф этаётган адабиётдир. Бердак ижоди факат коракалпок адабиётидагина эмас, балки бошка халклар, жумладан ўзбек халки орасида хам ўз издошларини топаётган ижоддир. Бутун умр меҳнаткаш халкнинг орзу-умидларини, унинг дардини тараннум этган бахши ва шоир Бердак номи, унинг мангуликка мансуб асарлари ўзбек санъаткорларига хам азиз ва севимли.

Карши давлат университетининг катта ўқитувчи А. Хамдамов